
ҲОКИМ ВА ЁШЛАР УЧРАШУВИ

Марғилон шаҳридаги Маданият марказида шаҳардаги уюлмаган ёшлар иштирокида “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди.

Учрашув аввалида шаҳар ҳокими Ш.Нисбатхонов Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш ҳамда ёшлар муаммоларини ўрганиш ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 2023 йилда амалга оширилган ишлар юзасидан ҳисоботни ўқиб эшиттирди.

Шаҳар раҳбари ўз сўзи давомида спорт соҳасида нафақат республика, балки жаҳон майдонида ҳам юксак натижа ва ютуқларга эришиб келаётган ёшларимизни алоҳида эътироф этиб ўтди.

Хусусан, 2023 йил давомида жаҳон мусобақаларида 8 нафар, халқаро турнирларда 40 нафар, Осиё мусобақаларида 13 нафар, Ўзбекистон чемпионати кубогида эса 130 нафар марғилонлик спортчи ёшларимиз ғолиб ва совриндарлар сафидан муносиб ўрин эгалладилар.

Тадбир давомида шаҳар ҳокими спорт ва таълим соҳаларида тинимсиз ҳаракати, ўз билими ва иқтидори билан эришаётган юксак натижалари учун бир гуруҳ ёшларга шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиғи ҳамда қимматбаҳо совғаларини тақдим этди.

Шундан сўнг, шаҳар ҳокими ёшлар билан очиқ мулоқотга киришди. Йигит-қизлар ўзларининг ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш борасидаги таклиф ва саволларини билдириб ўтишди ва масъуллар томонидан уларнинг барча билдирган савол ва таклифларига жавоб берилиб, амалий ва ижобий натижалар кўрилиши бўйича режалар тузилди.

Очиқ ва самимий руҳда ўтган учрашувда ёшларга тааллуқли барча долзарб масалалар кенг ва тўлақонли қамраб олинди.

Марғилон шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати
2023-12-21 12:06:26